

## ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТНДАГИ ЎРНИ

Тошова Гузал

Бугунги кунда дунё тилшунослигида бадиий матндаги ономастик бирликларга ёндашувда интегратив характердаги илмий ишлар устувор бўлиб, уларда аллюзив номлар, ономастик метафора, бадиий матннинг ономастик кўлами, номларнинг интертекстуаллик билан алоқадор жиҳатлари каби муаммоларни тадқиқ қилиш, шунингдек, ономастик бирликларнинг лингвопоэтик, лингвокультурологик омилларини очиб бериш долзарб масалалардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида миллий ўзлгимизни англаш, халқ маънавиятини юксалтириш, ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, “Давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди”<sup>1</sup>. Натижада тилнинг халқ тарихи, маданияти ва маънавиятининг ўзига хос ифодачиси, юксак эстетик қиммат ҳамда ҳадсиз ифода имкониятларига эга хазина эканлиги ҳақидаги ойдин ҳақиқат барқарорлашди. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида лингвопоэтик ёндашувнинг такомиллашуви бадиий матнни ташкил қилувчи тил бирликларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш масаласини юзага келтирди. Чунки ҳар қандай тил бирлиги бадиий матнда муаллифнинг бадиий ниятига хизмат қилувчи бебаҳо воситага айланиши ҳамда ўзига хос поэтик қонуниятларни намоён қилиши мумкин. Жумладан, ономастик бирликлар ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбек номшунослигида ономастик бирликларнинг умумназарий масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар яратилган бўлса-да, уларнинг бадиий матндаги эстетик вазифалари, лингвопоэтик хусусиятлари махсус тадқиқ қилинмаган. Хусусан, тилимиздаги киши номлари, турли географик объектларга қўйилган номлар бадиий матнда муайян объект номигина бўлиб қолмасдан, балки ижодкорнинг хилма-хил бадиий ниятларини таъкидлаш учун ҳам хизмат қилади. Бу эса ономастик бирликларга ниҳоятда бой тилимизнинг мазкур бирликлар воситасида юзага келувчи ифода имкониятларини аниқлаш, ўзбек бадиий матнларидаги номларни халқимизнинг тарихи, маънавий-маданий қадриятлари билан биргаликда ўрганиш муҳимлигини кўрсатади.

Дунё тилшунослигининг янги илмий концепциялари асосида ономастик бирликларнинг бадиий матнни шакллантиришдаги ўрни ва вазифалари, номларнинг номинатив вазифасидан ташқари рамзий маъноларни англантиши, уларнинг лингвопоэтик хусусиятлари, ўзбек лингвомаданиятида тутган ўрни каби масалаларни тадқиқ этиш замонавий тилшунослик учун долзарблигини исботлайди. Кейинги йилларда дунё филологларининг диққат марказида бўлган масалалардан

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 86.

бири ономастик бирликларнинг бадий матндаги ўрни масаласидир. Бу борада ономастик бирликларга бадий матннинг кўпқатламлилигини таъминловчи поэтик восита сифатида ёндашилган бир қатор тадқиқотлар яратилди. Ономастик бирликлар бадииятига бағишланган илк тадқиқотлар В.Н.Михайлов, Э.Б.Магазаник, Л.И.Колоколова, С.И.Зинин каби олимлар томонидан олиб борилган<sup>2</sup>. Шунингдек, украин тилшуноси В.М.Калинкиннинг мазкур мавзуда олиб борган тадқиқотлари алоҳида эътирофга лойиқ<sup>3</sup>. Айтиш жоизки, бугунги кунда ушбу мавзуга бағишланган ишларнинг кенг қамровда амалга оширилаётгани ономастик бирликлар бадииятини ўрганувчи алоҳида соҳа – ономапоэтиканинг шаклланишига сабаб бўлди.

Ўзбек тилшунослигида бадий матннинг лингвопоэтик хусусиятлари, муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати каби масалалар махсус ўрганилган. Жумладан, И.Мирзаев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, М.Яқуббекова ҳамда М.Йўлдошевларнинг тадқиқотлари илмий-назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга<sup>4</sup>. Ономастик бирликларнинг бадий матндаги ўрни, лингвопоэтик хусусиятлари эса ҳануз мукамал тавсифини топмаган. Бу борада ономастик бирликларнинг услубий хусусиятлари ҳақида айтилган айрим фикрлар мавжудлигини таъкидлаш мумкин<sup>5</sup>. Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятларини тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослигида ҳам янги ва долзарб масалалардан биридир.

Ўзбек тилшунослиги истиқлол йилларида катта ютуқларни қўлга киритди. Буни олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг мавзу қамрови ва сифатидан ҳам англаш мумкин. Бугунги кунда ўзбек тилшунослигида лингвистиканинг “лингвопоэтика” деб аталувчи мустақил соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Лингвопоэтик

<sup>2</sup> Михайлов В.Н. Собственные имена персонажей русской художественной литературы XVIII и первой половины XIX в., их функции и словообразование: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1956; Магазаник Э.Б. Поэтика имен собственных в русской классической литературе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967; Колоколова Л.И. Ономастика в художественной речи А.П.Чехова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1970; Зинин С.И. Имена персонажей в художественной литературе и фольклоре / С.И. Зинин, А.Г. Степанов // Антропонимика. – М., 1970. – С. 330–355.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Калинкин В.М. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Киев, 2000; Калинкин В.М. Поэтика онама. – Донецк, 1999.

<sup>4</sup> Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1992; Нурмонов А. Тилшуносликнинг адабиёт билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдди. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 3-жилд. – Б. 163; Маҳмудов Н. Ойбек шеърлятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – № 6. – Б. 48-51; Шу муаллиф. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. – № 4. – Б. 34-36; Шу муаллиф. Шайхзода сўзининг лингвопоэтикасига чизгилар / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 12-17; Яқуббекова М.М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2005; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Шу муаллиф. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2009.

<sup>5</sup> Каримов Қ. «Қутадғу билиг» асаида учрайдиган шахс номлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967. – № 2. – Б.42; Қиличев Э. Айний асарларидаги антропонимларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – № 4. – Б. 22; Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Рашидова М. Ўзбек тилидаги лақабларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2008; Ҳусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Наврўз, 2014.

ёндашувнинг такомиллашуви бадиий матнни ташкил қилувчи тил бирликларини қайтадан кўздан кечириш имконини ўртага чиқарди. Чунки ҳар қандай тил бирлиги бадиий матнда муаллифнинг бадиий ниятига хизмат қилувчи бебаҳо воситага айланиши ҳамда тамоман ўзига хос поэтик қонуниятларни намоён қилиши мумкин. Аслида, муайян тилнинг бойлиги, бадиий имкониятлар доирасининг сарҳад билмаслиги айнан бадиий матнда воқе бўлади. Тилнинг коннотатив вазифасини идрок қила олган, унинг бой ифода имкониятларидан моҳирона фойдаланган ҳамда уларни ижод жараёнига маҳорат билан татбиқ этган ижодкор, демакки, ўз она тили олдида масъулиятли вазифани адо этган бўлади.

Тилда коннотация жуда муҳим ўрин тутишини тадқиқотларида мунтазам таъкидлаб борадиган тилшунос Н.Маҳмудов “тилда коннотациянинг мавжудлиги, ранг-баранглиги, барқарорлиги тилнинг нечоғлик бойлигининг, қадимий анъаналарга соҳиблигининг, ифода имкониятлари сарҳадсизлигининг, таъсир ва тасвир қуввати ўткирлигининг шаҳодатидир”<sup>6</sup>, – деб ёзади. Олим алоҳида таъкидлаган ушбу масаланинг асосий залвори сўз санъаткорлари, яъни ижод аҳлининг зиммасига тушади. Бунинг натижасида эса ҳузурланиб ўқиладиган, “сўзлар рақси”дан юзага келган санъат асари – бадиий матн юзага келади. Демак, бадиий матннинг бадиийликка “тўйинган” ҳолда яратилиши ҳам ўзига хос жараён, тил оламига бўлган бетакрор саёҳатдир. Бу “саёҳат”да маҳоратли ижодкоргина тилдаги коннотацияга бой сўзларни, ибораларни кашф қилиши мумкин. Бу кашфиёт эса, ўз-ўзидан, лингвопоэтик тадқиқотлар учун муҳим объектлар сифатида ўрганилаверади. Бой адабиётимиз тарихида ана шундай бадиий тил жиҳатидан беназир асарлар жуда кўп ва улар бир қанча тадқиқотлар учун манба вазифасини ўтаб келаётганининг сабаби ҳам шунда.

Тил эстетик вазифасининг асосий намоён бўлиш ўрни бадиий матн эканлиги мутахассислар томонидан кўп марта таъкидланган<sup>7</sup>. Бадиий матнни тугал англаш, унинг таркибидаги мураккаб тузилишга эга бўлган қатламларни фаҳмлаш учун ўзбек тили грамматикасини етарли даражада билиш кифоя қилмайди. Чунки “бадиий матнда ифодаланган асосий ғоя-фикр-мазмунни тушуниш шунчаки иш эмас, балки анча қийин ва мураккаб ижодий жараёндир. Бадиий асарда мутлақо ўзига хос, гоҳ очик, гоҳ яширин турли ишоралар, тағмаънолар билан намоён бўладиган мазмуннинг маъносини тўғри англаш маънавий-маданий, ақлий-ҳиссий ва лисоний-эстетик фаолият натижасида мумкин бўлади”<sup>8</sup>.

Тилшунослар фикрича, “замонавий ўзбек филологиясида ХХ асрнинг биринчи ярмида бадиий асар тилини илмий асосда ўрганишнинг бошланиши

<sup>6</sup> Маҳмудов Н. Тил сиёсати ва сиёсат тили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2016. – № 4. – Б.27.

<sup>7</sup> Гореликова М.И., Магомедова Д.М. Лингвистический анализ художественного текста. – М.: Русский язык, 1989. – С.5.

икки улкан аллома – адабиётшунос ва адиб Иззат Султон<sup>8</sup> амда тилшунос Айюб Ғулом номлари билан боғлиқ. Улар бадий тилни ўрганишнинг адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назарларидан илмий-назарий асослари, тамойилларини кўрсатиб берганлар”<sup>9</sup>. Таъкидлаш керакки, бадий асар тилига доир қарашлар кўплаб ижодкор ва олимларнинг фаолиятида эътибор қаратилган масалалардандир.

Тилшунос Б.Йўлдошев бу борада олиб борилган ишларни бир жойга тўплаб, “Бадий асар тили масалалари” қўлланмасини эълон қилди. Китоб сўз санъатининг атоқли намояндалари Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олижон, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Улуғ Турсунов, Пиримқул Қодиров, Озод Шарафиддинов, Ғанижон Абдурахмонов, Орифжон Икромов, Нуриддин Шукуров, Раҳматулла Қўнғуров, Низомиддин Маҳмудов, Эргаш Қиличев каби ёзувчи, шоир ва олимларнинг бадий асар тили масалаларига бағишланган илмий-назарий қарашларига оид мавзуларни ўз ичига олган<sup>10</sup>.

Бадий матн яхлит тил ҳодисаси бўлгани учун унда қўлланган воситаларнинг қамрови ҳам тилнинг ифода имконлари кўлами билан чегараланади. Ёзувчининг маҳорати ҳадсиз тил имконларидан қай даражада фойдалана олишига боғлиқ.

Бадий матн масалаларига доир тадқиқотларда бадий матнга шундай таъриф берилади: “Бадий матн бадий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллиф ихтиёрига кўра эркин жамлай оладиган, кишиларга эстетик завқ бериш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунлик ҳисобланади”<sup>11</sup>.

Бадий матнда тил бирликлари турли вазифаларда иштирок этади. Уларнинг энг муҳим вазифаси эстетик ёки кенг маънода поэтик вазифаси ҳисобланади. Илмий адабиётларда тилнинг, асосан, тўрт-беш вазифаси қайд этилади. Масалан, В.А.Аврорин томонидан тилнинг коммуникатив (алоқа қуроли, воситаси), экспрессив (фикрларни ифодалаш), конструктив (фикрларни шакллантириш), аккумулятив (ижтимоий тажриба ва билимларни тўплаш, сақлаш) вазифалари борлиги таъкидланади. Бадий асар тили тадқиқига бағишланган ишларда тилнинг “экспрессив вазифаси” термини билан бирга “тилнинг поэтик вазифаси”, “тилнинг бадий вазифаси”, “тилнинг эстетик вазифаси” каби терминлар ҳам қўлланиши қайд этилган<sup>12</sup>.

Тилшуносликда ономастик бирликлар бадиияти билан боғлиқ бир қатор ишларда ономастик бирликларнинг поэтик хусусиятларини ўрганувчи йўналиш –

<sup>9</sup> Бу ҳақда қаранг: Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 11.

<sup>10</sup> Yo‘ldoshev B. Badiiy asar tili masalalari (yozuvchi, shoir va olimlar talqinida) tanlanma fanidan uslubiy qo‘llanma. – Toshkent: Navro‘z, 2016.

<sup>11</sup> Қаранг: Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент, 2007. – Б. 3.

<sup>12</sup> Қаранг: Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент, 2007. – Б. 4.

ономапозитикага доир терминлар хусусидаги мулоҳазалар баён этилган<sup>13</sup>. Уларда бу соҳа турли тилшунослар томонидан турлича терминлар билан аталаётганига эътибор қаратилиб, уларни тартибга солиш ҳақидаги таклифлар илгари сурилган. Масалан, А.А.Фомин шундай ёзади: “Бу соҳанинг номи аксарият ҳолларда *адабий ёки поэтик ономастика* деб юритилмоқда, шу билан бирга, бошқа терминлар ҳам учрайди: масалан, *стилистик ономастика, адабий-бадий (ёки бадий) ономастика, оним поэтикаси, поэтонимология* ва ҳоказо”<sup>14</sup>.

Олим, шунингдек, мазкур соҳанинг ўрганиш объекти ҳам турли вариантдаги терминлар билан номланаётганини асослаб, бу борада яқдилликка эришиш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидлайди.

Айрим тадқиқотларда эса ономастик бирликларнинг турларидан бири бўлган антропонимлар семантикаси уларнинг коннотатив жиҳатлари билан узвийликда тадқиқ этилган. Л.А.Феоктистова *ном семантикасининг модели* хусусида фикр юритиб, антропоним апеллятиви ва иккиламчи номинация ўртасидаги семантик муносабатларга эътибор қаратади. Тадқиқотчининг фикрига кўра, мазкур моделда концептуал ядро, прагматик зона ҳамда маъновий алоқадорлик амал қилади.

Маълумки, тилдаги барча атоқли отларни, уларнинг пайдо бўлишини, лексик-семантик хусусиятларини тилшуносликнинг ономастика соҳаси ўрганади. **Ономастика** юнонча сўз бўлиб, “номлаш санъати” деган маънони билдиради<sup>15</sup>. “Ономастика тил ономастикаси бирликларини ташкил қилувчи ҳар қандай атоқли отни лингвистик ва социолингвистик аспектда тадқиқ қилади”<sup>16</sup>. Тилшуносликда ономастик бирликлар **оним** (онома, *onim*) деб аталади. Э.Бегматов онимларни «атоқли отнинг кўриниши ва типлари» дея изоҳлайди<sup>17</sup>. Муайян бир тилдаги ономастик бирликларнинг жами **ономастикон** деб аталади.

Ономастик бирликлар бадий матнда турли ҳолатларда намоён бўлади. Бу бирликлар ёзувчининг бадий ниятига мувофиқ тарзда матнда баъзан содда, ўз маъносида, баъзан мураккаб ва турли ассоциациялар билан бирга иштирок этади. Ғоят ўзига хос тарзда намоён бўлувчи бадий матндаги ономастик бирликлар тилшуносликда сўнгги ўн йилликларда жадал ривож топаётган фанлараро алоқадорлик тамойиллари ва ёндашувлари доирасида ўрганилмоғи мақсадга мувофиқдир. Хусусан, ономастик бирликлар, биринчи навбатда, лингвопоэтик ёндашув тамойиллари асосида тадқиқ қилинмоғи зарур. Бу ўринда антропоним, топоним, баъзан зоонимлар бадий матнда ўзига хос эстетик вазифа бажаришини ва турли маъно нозикликларининг юзага чиқишига хизмат қилишини таъкидлаш

<sup>14</sup> Фомин А.А.Кўрсатилган мақола. – Б. 57.

<sup>15</sup> Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988. – С.96.

<sup>16</sup> Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 9.

<sup>17</sup> Бегматов Э. Кўрсатилган асар. – Б. 10.

мумкин. Бадиий матнда алоҳида эстетик мақсад билан қўлланилган бундай бирликлар *антропозтоним, топопозтоним, зоопозтоним* ва ҳ. каби терминлар билан ифодаланади<sup>18</sup>.

Маълумки, киши исмлари миллий тафаккурнинг, халқ турмуш тарзининг, орзу ва истакларининг таржимони бўлиб, ғоят ранг-барангдир. Бу сўзлар номлаш вазифасидан ташқари исм соҳибига муносабатни ҳам ўзида акс эттиради. Киши исмларининг бадиий адабиётдаги қўлланиши ҳам фақатгина қаҳрамонларни номлашга эмас, балки ижодкорнинг турли бадиий мақсадларини ифодалашга хизмат қилади. Номларнинг мазкур вазифаси тилшунослар диққатини ҳам жалб қилганини кўриш мумкин. Жумладан, А.Нурмонов шундай ёзади: “Бадиий адабиётда қаҳрамонларнинг характериға мос исм танлашга ҳаракат қилинади. Масалан, “Тоҳир ва Зухро” достонида Тоҳир – покиза, нуқсонсиз; Зухро – нурли, кўркем; нияти қора бўлган қаҳрамонга эса Қоработир деб от қўйилади. Кўринадики, исм инсоннинг ўз зурриётиға бўлган орзу-ниятининг дебчаси, бадиий асарларда эса қаҳрамон характериға ишорадир. Демак, исмда гап кўп. Исмнинг тилсимини очиш, маъноларини белгилаб бериш катта амалий аҳамиятға эға”<sup>19</sup>.

Исломғача бўлган даврда ҳам ота-боболаримиз исм қўйишнинг ўзига хос тизимини ишлаб чиқишгани ва унга амал қилишганини халқ оғзаки ижоди намуналаридан биламиз. “Чунончи, ибтидоий жамоа ва уруғчилик даврида ижод қилинган туркий исмларда кўпроқ ботирлик, жасурлик рамзи бўлган тушунчалар; чақалоқнинг ҳаёти, унинг соғлиғи, улғайишини орзу қилиш билан алоқадор тасаввурлар; гўзаллик, ўктамлик, чеварлик билан боғлиқ эстетик қарашлар; хўжаликнинг кўп қиррали томонларини ифода этувчи тушунчалар етакчи ўрин тутган. Мана шундай исмларнинг бир қисми ўзбек тилида ҳозирда ҳам сақланиб қолган: *Алпон, Ариф* (гўзал маъносида), *Арслон, Бургутбой, Йўлбарс, Кумушой, Лочин, Ойариғ, Ойгул, Ойхон, Улғай, Унсун, Туркаш, Турсун, Тўхта, Эргаш, Эркин, Ўлмас, Қувондиқ, Қоплон, Қанотбой, Юрсин, Юрсиной, Қиличбой* ва б.”<sup>20</sup>.

Шунингдек, халқ оғзаки ижодининг бебаҳо дурдонаси “Алпомиш” достонида аждодларимизнинг ўзига хос исм қўйиш тамойили акс этган. Бойбўта Дўстқораев “Алпомиш” матнининг жилолари» номли мақоласида достондаги исмларға алоҳида тўхталади: “Ўғил болаларға катта ният билан улўғ, улкан нарса ёки кучли мавжудотларнинг отлари қўйилган. Ёхуд ёш жониворларни англатувчи исмларни танлашган. Негаки, ҳар қандай жонзотнинг кичиги “ширин”, ёқимли кўринади. Достонда *Олпинбий, Добонбий, Бойбўри, Бойсар* деган туркий номлар учрайди. Олпинбий асли баҳодир, полвон деган маънони англатувчи “алп” ва катта

<sup>18</sup> Қаранг: Калинин В.М. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Киев, 2000. – С.14.

<sup>19</sup> Бу ҳақда қаранг: Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 286.

<sup>20</sup> Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2-нашри, 2007. – Б. 595.

маъносини берувчи қўшимча “мон”дан ташкил топган, “Алпмон” сўзига қўшилган “бий” эса, туркий қавмларда “қози” ёхуд “оқсоқол” маъноларини билдирган”<sup>21</sup>.

Б.Дўстқораев юқорида қайд этилган мақоласида *Ёртибой* исми ҳақида шундай ёзади: “Унда қандайдир нуқсон мавжуд. Шунинг учун унинг исми “ярим” деган маънони билдиради. Демак, халқ оғзаки ижоди намуналарида қаҳрамон исмларига муайян бадий мақсад юклатилиши анъанавий жараёнدير.

Антропонимларнинг тил луғат тизимидаги ўрни мавзусида тадқиқот олиб борган И.Худойназаров ўзбек халқ достонларидаги айрим қаҳрамон исмларининг танланиши билан боғлиқ фикрларини қуйидагича баён қилади: “Атоқли отлар (киши исмлари)га матн мақсадидан келиб чиқиб окказионал маъно юкланади. Натижада, мақсадли таг маъноли матн юзага келади. Масалан: *Дингбой, Қинғирбой, Чалабой, Қувноқбой, Ёртибой, Куймасбой, Тоймасбой, Даққи, Думалоқ, Бахилой, Каллабой, Бўлакбой, Қанорбой* кабиларда худди шундай таг маъно ётади”<sup>22</sup>. Бу халқ оғзаки ижоди намуналарида кенг тарқалган усул бўлиб, одатда, ижобий қаҳрамонлар исмига ижобий, салбий қаҳрамонлар исмига эса салбий маъно юкланади.

Бадий адабиётда исм кўпинча қаҳрамон характериға ишора қилиб келади. Қаҳрамонлар, одатда, исмларининг мазмуниға мос характерға эға бўлади. Мумтоз адабиёт намуналарини кўздан кечирадиган бўлсак, исмиға муносиб қаҳрамонларни деярли барча халқлар адабиётларида учратишимиз мумкин.

Машҳур “Дон Кихот” асарининг қаҳрамонларидан бири Санчонинг лақаби *Пансо* ана шундай исми жисмиға мос лақаб бўлиб, “ишкамба” маъносини билдиради.

Э.Магазаник рус адабиётидаги бир қатор мақсадли қўлланган номларни таҳлил қилиб, уларнинг исми, фамилиясидан англашилган маъноларни қаҳрамон характери, руҳияти билан боғлайди. Олим атоқли рус адиби Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романидаги бош қаҳрамонға берилган *Радион Раскольников* антропонимида ҳам ёзувчининг муайян мақсади борлигини таъкидлаб, шундай фикр билдиради: қаҳрамоннинг ҳам исми, ҳам фамилиясида асар ғояси билан боғлиқ бадий ният очиқ кўриниб туради. Ўқувчиға маълумки, қаҳрамон жиноятни болта ёрдамида содир этади. “Расколоть” – “ёрмоқ” феълидан ясалган фамилия ва *Радион* – “радий” – “кучли кимёвий элемент” апеллятивига эға исм қаҳрамоннинг характер ва ҳаракатлариға ишора қилади<sup>23</sup>.

Бундан ташқари Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар” романидаги *Карамазов* фамилияси ҳам ана шундай антропонимлар сирасиға киради. Буни Э.Б.Магазаник шу тарзда изоҳлайди: “Достоевский ўн йил давомида Семипалатинск (ҳозирги Остона)да сургунда яшаганлиги сабабли туркий тиллардан хабардор

<sup>21</sup> Дўстқораев Б. “Алпомиш” матнининг жилolari // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2011 йил. 1-сон.

<sup>22</sup> Худойназаров И. Антропонимларнинг тил-луғат тизимидаги ўрни ва уларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1998. – Б.81.

<sup>23</sup> Қаранг: Магазаник Э.Б. Ономапэтика или “говорящие имена” в литературе. – Ташкент: Фан, 1978. – С.18.

бўлган. *Карамазов* фамилиясида туркий тилга мансуб “қора” сўзига ишора қилинганлиги ва “мазатъ” – *бўялган, чапланган* маъноларидан фойдаланиб, *Карамазов* (қора ниятли) фамилиясини атайлаб ясаганлигини кўрамыз. Маълумки, ушбу асарда маънавий жиҳатдан жирканч оила аъзолари образлари яратилган бўлиб, *Карамазов* фамилияси уларнинг характерини ёритувчи умумий ном сифатида бежиз қўлланмаган”<sup>24</sup>.

Бу ҳолатни шарқ оғзаки ва ёзма адабиётининг мумтоз намуналарида ҳам истаганча учратишимиз мумкин. Бизнингча, қаҳрамонларга рамзий ном беришнинг дастлабки гўзал намуналари “Қутадғу билиг” асарида учрайди. Бир қатор тадқиқотчилар ҳам асардаги номлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. “Кунтуғди (чиққан кун) – адолат тимсоли бўлиб, Элиг ўрнида, Ойтўлди (тўлган ой) – давлат тимсоли бўлиб, вазир ўрнида, Ўгдулмиш (ақли расо) – ақл тимсоли бўлиб, вазирнинг ўғли ўрнида, Ўзғурмиш (уйғонган) – қаноат тимсоли бўлиб, вазирнинг қариндоши ўрнидадир”<sup>25</sup>.

Алишер Навоий асарларидаги *Мажнун, Исо, Юсуф, Фарҳод, Дилором, Паричеҳра, Парипайкар* ва бошқа кўплаб антропонимлар номинатив маъносига мувофиқ характерлар бўлиш баробарида муаллифнинг услубий мақсадига беминнат хизмат қилувчи образлар сифатида ҳам диққатга сазовор<sup>26</sup>.

Улуғ мутафаккирнинг қаҳрамонларга исм танлашдаги маҳоратини “Фарҳод ва Ширин” достонида яққол кўриш мумкинлигини таъкидлаган Й.Солижонов ва С.Мўминовлар ушбу асардаги бир қатор номларни фақат қаҳрамонларни таништирувчи, яхши ёки ёмонлигини англатувчи исмига эмас, балки воқеликни маълум даражада ўзида мужассамлаштирган, қаҳрамоннинг келажак тақдирига ишора қилган, характерли хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган номлар тарзида намоён бўлишини ҳам айтишади<sup>27</sup>. Мазкур мақолада муаллифлар Гулханийнинг “Зарбулмасал”идаги *Япалоққуш, Кулонқирсултон, Гунашбону* каби қаҳрамонлар исмини ҳам айни аспектда ёритишган.

Тилшунослигимизда антропонимларнинг услубий хусусиятларига алоқадор бир қатор мақола характеридаги ишлар мавжуд. Жумладан, Р.Қўнғуров ва Р.Мўминовларнинг ўзбек бадий адабиётида ва сатирик журналларда қўлланилган антропонимларнинг услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган мақоласида бундай антропонимлар асар бадийатини, таъсир кучини орттиришга хизмат қилиши айтилади. Муаллифлар *Олғирбой, Фуйбатулла, Тепки, Елпиғичхон* каби сатирик ва

<sup>24</sup> Магазаник Э.Б. Кўрсатилган асар. – Б. 12.

<sup>25</sup> Каримов Қ. “Қутадғу билиг” асарида учрайдиган шахс номлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967. – № 2. – Б.42.

<sup>26</sup> Бу ҳақда қаранг: Ёкубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б.8-18.

<sup>27</sup> Солижонов Й., Мўминов С. Бадий асарларда исмнинг айрим функциялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1984. – № 2. – Б. 44– 49.

*Темир, Жўра, Омон* каби адабий қаҳрамонларнинг исми билан боғлиқ фикрларини ономастик стилистика тамойиллари асосида изоҳлаганлар<sup>28</sup>.

Ономастикага бағишланган айрим диссертацион ишларда онимлар ўз номинатив вазифасидан ташқари, бадий адабиёт ва фольклор асарлари тилида ўзига хос бадий-услубий вазифа бажариши ҳам айтиб ўтилган. Дарҳақиқат, адабиётшуносларнинг ҳам бадий матндаги қаҳрамон исмлари ҳақида қимматли фикрлари жуда кўп. Аксарият ном бадий матнга олиб кирилар экан, ундан кўзланган бадий мақсад бўлади, албатта. Аммо бу бирликларга юклатилган поэтик вазифа доим ҳам муваффақиятли намоён бўла олмайди. Масалан:

Мутахассислар фикрича, “бадий асар тилидаги топонимларни тадқиқ этиш, бир томондан, тилшуносликнинг топонимика соҳаси учун аҳамиятли бўлса, иккинчи томондан, тилшуносликдаги энг долзарб масалалардан бири – бадий асар тили ва ёзувчи услуби муаммосига маълум бир аниқликлар киритиши шубҳасиздир”<sup>29</sup>.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Каримов И. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Абдурахмонов Ш.А. Ўзбек бадий нутқида кулги кўзғатувчи лисоний воситалар: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1997. – 147 б.
3. Авлакулов Я. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2012. – 158 б.
4. Алтухова О.Н. Поэтонимы-медиаторы в макроконтексте произведений В. Пелевина // Социосфера. – М., 2014. – № 3. – С. 50-59.
5. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. – 608 с.
6. Ахманова О.С., Гюббенет И.В. “Вертикальный контекст” как филологическая проблема // Вопросы языкознания. – М., 1997. – № 3. – С. 47-54.
7. Аҳмад С., Владимирова Н. Ҳикоянавислик санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – № 4. – Б. 53-58.
8. Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 154 б.
9. Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. – Тошкент: Маънавият, 1998.
10. Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 595 б.
11. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – 264 б.
12. Бегматов Э. Исmlарнинг сирли олами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.

<sup>28</sup> Кунгуров Р., Муминов Р. Собственные имена в языке художественной литературы / Ономастика Узбекистана. – Ташкент, 1989. – С. 124–125.

<sup>29</sup> Курбонов Т. Бадий асарлардаги топонимларнинг лингвистик таҳлили ва изоҳи масалалари. – Самарқанд, 2006. – Б.11.

13. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – 104 б.

**Интернет манбалари**

14. Зинин С.И. Введение в поэтическую ономастику // [www.planeta-imen.narod.ru /litonomastika/main.html](http://www.planeta-imen.narod.ru/litonomastika/main.html).

15. Зинин С. И. Литературная (поэтическая) ономастика. Термин “поэтоним” <http://imja.name/poehtonimy/termin-poehtonim>.

16. Зинин С.И. Литературная (поэтическая) ономастика. Классификация поэтонимов // [www.planeta-imen.narod.ru](http://www.planeta-imen.narod.ru)

17. Каграмонов К.Р. Явление антономасии в языке и речи (на материале англоязычной прессы) / Вестник Московского государственного лингвистического университета, Выпуск 521, 2007. – С. 122-130 // [cyberleninka.ru/article/n/](http://cyberleninka.ru/article/n/)